

САЪДИДДИН ҲАМАВИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ТАСНИФИ

Ражабов Алишер Шавкатович

Бухоро давлат педагогика институти мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21873611>

XIII аср Ислом шарқи ирфоний ва фалсафий тафаккури ривожда кубровия тариқатининг йирик намоёндаси, шайх Нажмиддин Кубронинг муносиб халифаларидан бири бўлмиш Саъдиддин Ҳамавий (вафоти 649/1252 й.) ўзидан кейинги суфийлик дунёқараши тизимига улкан таъсир кўрсатган нодир ва сермазмун илмий-адабий мерос қолдирди. Ҳамавий ижодининг ўзига хос хусусияти шундаки, у анъанавий амалий тасаввуф доирасидан чиқиб, назарий ирфон, борлиқ фалсафаси (вужудшунослик), рамзлар тизими ва ҳарфлар сири (илми ҳуруф) каби мураккаб метафизик масалаларни тизимли равишда тадқиқ этган илк мутафаккирлардан биридир. Унинг қаламига мансуб “ал-Мисбоҳ фит-тасаввуф”, “Маҳбубул-муҳиббийн ва матлубул-восилийн”, “Сакинат ус-солиҳийн” каби йирик асарлари ҳамда ўнлаб кичик ҳажмли рисоалари нафақат кубровия, балки кейинчалик шаклланган нақшбандия, неъматуллоҳия ва ҳуруфия каби ижтимоий-диний оқимларнинг ҳам назарий манбаси бўлиб хизмат қилди. Ҳамавий асарларининг умумий тавсифига назар ташланса, улардаги бош ғоя - Қасрат (кўплик) оламидан Ваҳдат (бирлик) оламига томон руҳий юксалиш, илоҳий зотнинг борлиқдаги тажаллийлари ва инсони комил концепциясининг фалсафий асосларини очиб беришдан иборат эканлиги кўринади.

Мутафаккир асарларининг матншунослик ва манбашунослик таҳлили шуни кўрсатадики, мутасаввиф ўз қарашларини баён этишда ўта рамзий, тимсолий ва ишоравий тилдан фойдаланган. Унинг матнларида оддий тасаввуфий панд-насиҳатлар ўрнини борлиқ мартабаларини ифодаловчи геометрик шакллар, доиралар, жадваллар ва ҳарфларнинг рақамли қийматлари (абжод ҳисоби) эгаллайди. Масалан, “ал-Мисбоҳ фит-тасаввуф” асарида илоҳий нурнинг оламларга таралиши ва нафснинг покланиш босқичлари фақатгина назарий баён этиб қолмай, балки ўзига хос схемалар орқали визуализация қилинган. Бу эса Ҳамавий меросини ўрганувчи замонавий матншунослардан нафақат араб ва форс тилларини мукаммал билишни, балки ўрта асрлар ислом космологияси ва рамзлар тизимини ҳам чуқур тушунишни талаб этади. Нажиб Мойил Ҳиравий ва Сора Кашфий каби эронлик йирик матншунослар томонидан амалга оширилган сўнгги тадқиқотлар Ҳамавий асарларининг асл қўлёзма қатламларини тиклашда муҳим қадам бўлди ва Шайх меросининг тарқоқ эмаслигини, аксинча, муайян бир яхлит фалсафий тизимга асосланганини исботлади.

Ҳамавий асарларидаги энг марказий йўналишлардан бири - Вужуди мутлақ (Мутлақ Борлиқ) ва унинг тажаллийлари муаммосидир. Мутасаввиф Ибн ал-Арабий билан замондош бўлгани ва у билан хат вазири орқали фикр алмашгани тарихдан маълум. Бу яқинлик унинг “Маҳбубул-муҳиббийн” асарида аниқ сезилади. Ҳамавий борлиқни Яратувчининг гўзаллиги ва жамоли акс этадиган улкан бир кўзгу сифатида тасвирлайди. Унинг фикрича, оламдаги ҳар бир зарра, ҳар бир мавжудот илоҳий исм ва сифатларнинг маълум бир даражадаги мазҳари ҳисобланади. Аммо бу тажаллийларнинг энг мукаммали ва тўлиғи айнан Инсони комил сиймосида намоён бўлади. Ҳамавий ўзининг “Сакинат ус-солиҳийн” рисоласида солиҳ банданинг руҳий хотиржамлик

мақомига эришиш босқичларини таҳлил қилар экан, нафсни жиловлаш ва қалбни илоҳий нурга тўлдириш орқали инсон коинотнинг кичрайтирилган нусхаси эканлигини англаб етишини таъкидлайди. Унинг асарларида тариқат одоби ва сулук босқичлари қуруқ қоидалар мажмуаси эмас, балки инсон руҳиятининг илоҳий манбага қараб ҳаракатланишининг ички қонуниятлари сифатида очиб берилади.

Сермахсул мутасаввиф сифатида эътироф этилган Ҳамавий, муриди Азизиддин Насафийнинг таъкидлашича, тўрт юзга яқин рисола ва китоблар тасниф этган. Бироқ, олиб борилган тадқиқотлар натижасида, бизнинг давримизгача етиб келмаганлари билан биргаликда, жами тўқсон олти асар унга нисбат берилганлиги аниқланган. Улардан олти биттаси бизгача етиб келган бўлса, ўттиз бештаси етиб келмаган. Етиб келган асарларнинг тўрттаси эса унга тегишли эмаслиги маълум бўлган¹.

Ҳамавийнинг асарлари асосан беш гуруҳга таснифланади. Булар китоблар, рисолалар, мактублар, ижозатномалар ва шеърий девон. Уларнинг аксарияти қўлёзма ҳолида бўлиб, бир қисми Туркиядаги қўлёзма асарлар кутубхоналарида, қолганлари эса Техрон, Дубай ва Париж каби дунёнинг турли марказларида жойлашган.

Ҳамавий ўзининг асарларини икки тилда - араб ва форс тилларида ёзган. Унинг форсий асарлари араб тилидаги асарларига қараганда соддароқ ва тушунарлироқ тилда битилган. Бизнинг фикримизга кўра, Ҳамавий форс тилида китобхонларнинг мураккаб жумлалар ва техник истилоҳларни тушуна олмаслигидан хавотирланиб, бу тилдаги асарларини содда услубда ёзишни афзал деб билган. Баъзан у “Сажанжалул-арвоҳ ва нукушул-алвоҳ” асарида бўлгани каби, айтиб бир асарнинг ўзида икки тилдан ҳам фойдаланган. Унинг арабча асарларида форс тилининг таъсири сезилмайди. Бироқ, форсий асарларида араб тилининг устуворлиги яққол кўзга ташланади. Масалан, кўплаб асарларининг бошида ярим форсча, ярим арабча шаклдаги “Бедон ки ваффақакаллоҳ” (Билгилки, Аллоҳ сени муваффақ қилсин) ибораси қўлланилган.

Ҳамавий олимлик ва мутасаввиflik хислатлари билан бир қаторда, шоирлик ва адиблик маҳоратига ҳам эга бўлган алломадир. Унинг форс ва араб адабиётидан чуқур хабардорлиги ҳамда тилдан фойдаланишдаги усталиги у тасниф этган барча асарларда ўз аксини топган. У, айтиқса, араб тилида ёзган асарларида бадий ва безакли тилдан фойдаланган. Ибораларни одатда узун тузиб, мажоз, истиора, жинос каби бадий санъатларни тез-тез қўллаган.

Насрий турдаги асарлари оддий қолиплардан юқори бўлиб, кўпинча шеърий вазн ва уйғунлик ичида бўлиши билан бирга, ўз ичига жуда кўп шеърларни ҳам олган. Масалан, “Маҳбубул-муҳиббийн” (Муҳибларнинг маҳбуби) асарида юз қирқдан ортиқ шеър жой олган. Бу шеърлар асосан байт ва рубоий вазнларидадир. Булардан ташқари, унга нисбат бериладиган қирқ варақдан иборат шеърий девони ҳамда бошқа муаллифларнинг асарларида фойдаланилган шеърлари мавжуд. Ирфоний масалаларни нафис услубда баён қилган рубоийларининг бир қисми “Шоҳ Доий Шерозий” номи билан махур бўлган Саййид Низомиддин Воиз бин Ҳасан Хусайний томонидан “Жавоҳирул-

¹ ۱۲۵. ص. شماره ۶۱. - تهران، ۱۳۸۴ هـ.ش. // «معارف اسلامی» - تهران، ۱۳۸۴ هـ.ش. شماره ۶۱. - ص. ۱۲۵. (Нурий, М., Шамс, М. Китабшинаси-и асар-и Саъдеддин Ҳаммуи (Саъиддин Ҳамавий асарлари библиографияси) // Маариф-и Исломи. - Техрон, 1384 ш. (2005 м). - № 61. - Б. 125.)

кунуз” номи остида шарҳланган. Шеърларида араб ва форс тилларидан тенг вазнда фойдаланилгани кузатилади. Шеърларида тасаввуфий мавзу устун бўлиб, буни деярли барча шеърларида кўриш мумкин. Шеърларнинг мавзуси, асосан, тавҳид, Аллоҳ таоло ва Пайғамбар (с.а.в.) ишқидан иборат.

Саъдиддин Ҳамавийнинг бизнинг давримизгача етиб келган бешта китоби ва ўттиз учтага яқин рисоласи мавжуд. Китобларидан икkitаси форс тилида, икkitаси араб тилида ва биттаси ҳам форс, ҳам араб тилларида ёзилган. Шундай асарлардан бири “Маҳбубул-муҳиббийн ва матлубул-восилийн” (Муҳибларнинг маҳбуби ва восилларнинг матлуби) дир.

“Маҳбубул-муҳиббийн ва матлубул-восилийн” (Муҳибларнинг маҳбуби ва восилларнинг матлуби)

“Маҳбубул-муҳиббийн ва матлубул-восилийн” Ҳамавийнинг бизгача етиб келган энг ҳажмли асаридир. Насрий йўсинда ёзилган бу асарнинг тили анча оғир ва мураккабдир. Тушуниши қийин бўлган ифодалар, рамзлар ва тасвирларга тез-тез дуч келинади. Асарда шеърий ифодалар ва бадий қолиплар кенг қўлланилган. Асар ҳақида билдирилган фикрлар, умуман олганда, унинг мавзуси ва услуби жиҳатидан мураккаб эканлиги йўналишидадир.

Асар ўн беш фаслдан иборат. Ҳар бир фасл араб алифбосидаги бир ҳарф номи билан аталган доирани (жадвални) баён қилади. Фаслларнинг мазмуни ўша доирага ном берган ҳарфнинг тавили ва метафизик боғланишлари орқали тасаввуфий масалаларга ечимлар топишдан иборат.

Асарнинг асосий мавзуси илми ҳуруфга асосланган таъвиллар воситасида, Хотамул-анбиё (с.а.в.) сарлавҳали тасаввуф назариясига тегишли турли масалаларни рамзий ифодаловчи “маҳбубнинг доираси” дир. Бу доира зоҳирий ва ботиний барча сирлар ҳамда ашёларни қамраб олувчи куллий (умумий) доирадир. Ушбу доиранинг остида: доиратун-нажмия, доиратул-қамария, доиратуш-шамсия, доиратуз-завотия ва доиратуд-дуррия деб номланувчи бешта доира мавжуд. Доиратуд-дурриянинг остида эса қуйидаги ўн беш доира жой олган: доиратун-нуния, доиратул-кофия, доиратул-фоия, доиратур-роия, доиратуз-зайния, доиратул-вовия, доиратул-истиёна, доиратуз-золия, доиратус-содия, доиратуд-додия, доиратус-синия, доиратуш-шиния, доиратул-айния, доиратул-ғайния ва доиратул-ҳоя.

Доиратул-ҳоя доираларнинг энг охиргиси бўлиб, ўн беш фаслдан ташкил топган.

- **Биринчи фасл:** Улуҳият (илоҳийлик) мавзуларини ўз ичига олади ва қирқ тўрт қисмдан иборат.
- **Иккинчи фасл:** Фаришталар, руҳонийлар, ақлий/зеҳний борлиқлар ва жисмоний мавжудотлар мавзуларини қамраб олган.
- **Учинчи фасл:** Инсон ва ҳайвонлар билан боғлиқдир.
- **Тўртинчи фасл:** Нубувват, Ҳазрат Сулаймон (а.с.) ва жинлар ҳақида.
- **Бешинчи фасл:** Имомат, хилофат, сидқ мақоми ва вилоят мавзуларини ўз ичига олади.
- **Олтинчи фасл:** Илоҳий хитобнинг нозил бўлиши ва китобнинг тафсири ҳақида.
- **Еттинчи фасл:** Фикҳий масалалар ва турли динларни айна бир қолипларда ифодалаш ҳамда бундаги ниятлар билан боғлиқ.

- **Саккизинчи фасл:** Тиллар ҳақида.
- **Тўққизинчи фасл:** Наҳв (синтаксис) илмининг асли, исбот ва нафий (инкор) қилиш услублари ҳақида.
- **Ўнинчи фасл:** Тан (жисм) ва диннинг шифоси ҳақида.
- **Ўн биринчи фасл:** Сайёралар (сайёра ва тайёралар) ҳақида.
- **Ўн иккинчи фасл:** Сеҳр, сеҳргарлар ва дарахт етиштириш (боғдорчилик) санъати ҳақида.
- **Ўн учинчи фасл:** Ортидан бошқа ҳавойи нафсларни бошлаб келувчи ва “илоҳул-маъбуд” деб таърифланувчи ҳавонинг (нафс хоҳишининг) ҳақиқати ҳақида.
- **Ўн тўртинчи фасл:** Қалбнинг икки маънавий туйғусига (луммасига) ҳукмронлик қилувчи нафснинг ҳикмати ва ундан туғиладиган икки касаллик ҳақида.
- **Ўн бешинчи фасл:** Охирги фасл бўлиб, ҳар бир толиб мурожаат қиладиган ва ҳар бир шоҳид ўз машҳудига (гувоҳлик берилувчи асл ҳақиқатга) етишадиган маржаънинг (қайтиш жойининг) билиниши билан боғлиқ.

Афсуски, ушбу фасллар - биринчи фаслдан ташқари - ёзилмагани ёки котиблар томонидан кўчирилмагани (истинсох этилмагани) сабабли кунимизда мавжуд эмас. Ҳозирги кунга қадар етиб келган барча нусхалар биринчи фаслдан кейин тугайди. Фақатгина “Китобхонаи Мажлиси Шуроӣи Миллий”да сақланаётган нусханинг хотима (хотима қисми) билан тугамаганига қараладиган бўлса, муаллиф китобни ниҳоясига етказган, бироқ камчилик қисми котиблар томонидан кўчирилмай қолган, деган таассурот уйғонади. Дунёнинг турли кутубхоналарида асарнинг кўплаб нусхалари мавжуд². Асар 2013 йилда Меҳрзод Аббосий томонидан докторлик иши сифатида таҳқиқ (илмий-танқидий матни тайёрланган) қилинган³.

Сажанжалул-арвоҳ ва нуқушул-алвоҳ (Арвоҳларнинг кўзгуси ва лавҳларнинг нақшлари)

Тўлиқ номи “Сажанжалул-арвоҳ ва нуқушул-алвоҳ” бўлган бу асарнинг баъзи хос муридлар учун ёзилган бўлиши эҳтимоли жуда юқоридир. Чунки китобнинг мавзуси умумий жиҳатдан аврод ва азкордан (вирд ва зикрлардан) иборат бўлса-да, асарда рамзий шакллар, чизмалар, турли асмо (исмлар) дуолари, оятлар, ҳадислар, Аллоҳ таолонинг исм ва сифатларининг шарҳлари, инсон ва шайтон ҳақидаги маълумотлар жой олган. Асарнинг энг диққатга сазовор хусусияти - ичида ҳеч қандай изоҳ берилмасдан рақамлар билан тўлдирилган сирли геометрик шакллар ва доираларнинг

² Берлин давлат кутубхонаси, № 4084; Боязид давлат кутубхонаси, № 1396; Маниса қўлёзма асарлар кутубхонаси, № 1224; Ислоний Шўро Мажлиси кутубхонаси, № 3253; Сулаймония кутубхонаси фондлари: Нуруосмония, № 2577, Аёсофия, № 2057, № 002058, Фотих, № 2785, Шаҳид Али Пошо, № 1342, Жоруллоҳ Афанди, № 001096; Сино Мажлиси кутубхонаси, № 34; Дубайдаги “Жума ал-Мажид” маданият ва мерос маркази кутубхонаси, № 253846, № 002077 ва № 708825.

³Қаранг: عباسی، مهرزاد. تصحيح نسخه خطی محبوب المحبين و مطلوب الواصلين. (پایان نامه دکتري) / دانشگاه تهران، دانشکده ادبیات و علوم، تهران، ۱۳۹۱ هـ.ش. (Аббосий, Мехрзод. Тасхих-и нусха-йи хатти-йи Махбубул-мухиббийн ва матлубул-восилийн (Қўлёзма нусханинг илмий-танқидий матни таҳлили). Дисс. ... докт. филол. фан. / Техрон университети Адабиёт ва инсоний фанлар факультети. – Техрон, 1391 ш. (2012 м).)

жуда кўп қўлланилганидир. Бу шаклларни тушуниш қийин бўлгани учун, уларни фақатгина қалб кўзи (басирати) очиқ бўлган зотлар англай олиши таъкидланади⁴.

Ҳануз таҳқиқ ёки таржима қилинмаган бу асарнинг бизга маълум бўлган иккита қўлёзма нусхаси бор. Биринчиси, Бирлашган Араб Амирликларидаги “Жума ал-Мажид” кутубхонасида 228630 рақами остида сақланмоқда. Иккинчиси, Сулаймония кутубхонасига қарашли “Фотих” жамғармасининг 2645 рақамли каталогида жойлашган⁵. Бу нусхада асар Ибн ал-Арабийга нисбат берилган бўлса-да⁶, олиб борилган текширувлар натижасида Саъдиддин Ҳамавийга тегишли эканлиги аниқланган. Эҳтимол, бу нусха аввал Ибн ал-Арабий номига тасниф қилиниб, кейинчалик тузатилгани шундай фикр пайдо бўлишига сабаб бўлган. Нусханинг 16 варағида форс тилида “Фарзлардан кейин ўқилиши керак бўлган вирд” сарлавҳаси остида бир саҳифалик арабча дуо ва унинг пастиди “Саъдиддин Ҳамавий” ёзуви бор. Унинг остида эса китоб Султон Ғози Маҳмудхон номига вақф қилинган ва вақф ходимларидан Дарвеш Мустафо томонидан таҳрир этилгани (кўчирилгани) ҳақида қироат қайди мавжуд. Қироат қайди таълиқ хатида, китоб матни эса насх хатида ёзилган. Варақ 1а’да эса Иброҳим Пошшо исмли шахсга тегишли эканлигини билдирувчи тамаллук (эгалик) қайди бор. 123б варағида асарнинг ҳижрий 630 (милодий 1232) йилнинг ражаб ойида Ҳумусда ёзилганлигига доир ибора учрайди. Шу боис, бунинг муаллифнинг ўз қўли билан ёзилган асл нусхаси (муаллиф нусхаси) бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Ал-мисбоҳ фит-тасаввуф (Тасаввуф чироғи)

“Ал-мисбоҳ” - тасаввуфнинг назарий масалалари ва илми ҳуруф мавзулари тизимли равишда баён қилинган асардир. Асар ҳар бири “мисбоҳ” (чироқ) номи остида берилган 53 та қисқа бобдан иборат. Бу боблар: нуқта, ҳарфларнинг қисмлари ва тавили, ҳарфларнинг яратилиши билан боғлиқ рамзлар, Ҳизр (а.с.), ақл, руҳ, олами аён, қалб, қалам, нафс, имон, ибодатларнинг тавили, адам (йўқлик) ва вужуд (борлик), вилоят ва хотамул-авлиё, шайх ва мурид, ваҳдат ва касрат (бирлик ва кўплик), қувват, қудрат, қаҳр, калом, рўяти мутакаллим, Мункар ва Накир, набий ва валий ўртасидаги фарқлар каби сарлавҳалардан ташкил топган.

Форс тилида тасниф этилган бу асарнинг бизга маълум бўлган ягона нусхаси Аёсофия кутубхонаси 3832 рақамли мажмуада сақланмоқда. Нусхада асар Дамашқда, Муҳаммад Кўттоб ал-Ғилоний томонидан ҳижрий 866 (милодий 1461) йилда кўчирилгани ҳақида фароғат (тугалланиш) қайди мавжуд. Асар Нажиб Мойили Ҳиравий томонидан таҳқиқ этилиб, нашр қилинган⁷.

⁴Қаранг: نورى، محمد؛ شمس، مجيد. كتابشناسى آثار سعدالدين حمويه // «معارف اسلامى». تهران: دانشگاه امام صادق (ع)، ۱۳۸۴ هـ.ش. – ۱۱۶ ص. (Нурий, М., Шамс, М. Китабшинаси-йи асар-и Саъдеддин Ҳаммуӣ (Саъдиддин Ҳамавий асарлари библиографияси) // Маариф-и Исломиӣ. – Техрон, 1384 ш. (2005 м). – № 61. – Б. 116.)

⁵Сулаймония кутубхонаси, Жоруллоҳ Афанди фонди, № 1541; Остони Қудси Разавий кутубхонаси, Хумс фонди, № 3194.

⁶Қаранг: نورى، محمد؛ شمس، مجيد. كتابشناسى آثار سعدالدين حمويه // «معارف اسلامى». تهران: دانشگاه امام صادق (ع)، ۱۳۸۴ هـ.ش. – ۱۱۶ ص. (Нурий, М., Шамс, М. Китабшинаси-йи асар-и Саъдеддин Ҳаммуӣ (Саъдиддин Ҳамавий асарлари библиографияси) // Маариф-и Исломиӣ. – Техрон, 1384 ш. (2005 м). – № 61. – Б. 116.)

⁷Қаранг: حموي، سعدالدين. المصباح فى التصوف / به تصحيح و تحقيق نجيب مايل هروى. – تهران: انتشارات مولى، ۱۳۶۲ هـ.ش. (۱۴۰۳ هـ.ق). (Ҳамавий, Саъдеддин. ал-Мисбоҳ фит-тасаввуф (Тасаввуф чироғи) / Таҳқиқ ва тасҳиҳ: Нажиб Мойил Ҳиравий. – Техрон: Интишорот-и Мавло, 1362 ш. (1403 х. / 1983 м).)

Сакинатус-Солиҳийн фий Маърифати Қавоидил-Яқийн (Солиҳларнинг сукунати: яқийн қоидалари маърифати ҳақида)

Форс тилида ёзилган бу асар тариқат йўлига (сулукка) янги кирган муридларга мўлжалланган. Муаллиф бошқа кўплаб асарларидан фарқли ўлароқ, бу ерда оят ва ҳадисларнинг асосан форсий таржималарини келтирган. Сўфийлардан араб тилида нақл қилинган сўзларнинг эса барчаси форс тилига таржима қилинган. Асарда оят ва ҳадислар жой-жойи билан илми ҳуруф методлари орқали тавил қилингани кузатилади.

Асар тўрт бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб бир пайғамбарга нисбат берилган:

- **Биринчи боб:** Инсоннинг ўз амалларида, эътиқодида, сўзларида ва ибодатларида адолат устида бўлиши ҳамда Ҳақ таолонинг маърифати каби мавзуларни ўз ичига олади. Шунингдек, муридларга зоҳир-ботин, мўминнинг мўмин устидаги олтита ҳаққи, илми муомала ва илми мукошафа (кашф илми) ҳақида панд-насиҳатлар берилган. Инсоннинг ўз феъл ва сўзларида адолатли бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланган.
- **Иккинчи боб:** Эҳсон, силаи раҳм, зоҳир уламси, аҳли тариқат ва аҳли ҳақиқат муқоясаси (қиёси), тавҳид ва одобнинг турлари каби мавзулар ишлаб чиқилган.
- **Учинчи боб:** Қайтарилган (наҳйи қилинган) амаллар, беш сезиш аъзосининг офатлари, шуҳратпарастлик, мансабпарастлик, мол-дунё йиғиш каби солиқнинг йўлидаги тўсиқлар ва бу тўсиқлардан қутулиш йўллари нақлий далиллар (насс) асосида тушунтирилган.
- **Тўртинчи боб:** Умумий равишда турли ахлоқ мавзуларига бағишланган. Ахлоқ бу ерда ахлоқи мазмуна (ёмон ахлоқлар) ва ахлоқи мамдуҳа (мақталган, гўзал ахлоқлар) сифатида таснифланган.

Асарнинг бизга маълум бўлган учта нусхаси бор. Биринчиси, “Китобхонаи Мажлиси Шуроӣи Миллий”да 10494 рақами остида рўйхатга олинган⁸. Бу нусха тўлиқ ушбу асарга ажратилган бўлиб, муқоваси билан биргаликда қирқ варақдан иборат. Нусхада асар ҳижрий 760 (милодий 1358) йилда Умар бин Муҳаммад бин ал-Ҳажж Муҳаммад бин Али бин Қасмер бин Ширкон томонидан кўчирилгани қайд этилган. Нусхани ёзишда Афғонистон ва Ҳинд ярим оролида кенг қўлланиладиган насх хатига ўхшаш хат туридан фойдаланилган. Асарнинг қолган икки нусхаси Туркия кутубхоналаридадир. Биринчиси “Рисола фий сакинатис-солиҳийн” номи билан Сулаймония кутубхонасининг “Фотих” жамғармаси 5426 рақамли мажмуанинг 136а–163а варақлари орасида, иккинчиси эса “Сакинатус-солиҳийн” номи билан Бурса Эски асарлар кутубхонасининг “Хусайн Чалабий” жамғармаси 1184 рақамли мажмуанинг 826–110а варақлари орасида жой олган⁹. Бу нусхаларда асарнинг кимга тегишли эканлиги ёзилмаган. Эҳтимол, шу сабабли асарни баъзан Нажмиддин Куброга нисбат беришади¹⁰. Бироқ, “Фотих” ва

⁸ Қаранг: حموي، سعدالدين. سكينه الصالحين [نسخه خطی]. – تهران: كتابخانه مجلس شورای ملی، شماره ۱۰۴۹۴. – برگ ۱ الف – ۴۰ ب. (Ҳамавий, Саъдеддин. Сакинат ус-солиҳийн [Кўлёзма]. – Техрон: Миллий Мажлис кутубхонаси (Китобхона-и Мажлис-и Шўро-ӣи Миллий), инв. № 10494. – В. 1а–40б.)

⁹ Sulaymon Gökbulut, Necmeddin-i Kubro: Hayati, Eserleri, Görüşleri, İstanbul: İnsan Yay., 2010.

¹⁰ Қаранг: رضایی، حمید؛ زنجیرانی، محمد محمدی. «معرفه و بررسی سکنه الصالحین» // فصلنامه تخصصی سبک شناسی نظم و نثر فارسی. – ۲۲۸. شماره ۳. – ص. ۲۲۸. (Ҳамид Ризоӣи, Муҳаммад Занжиронӣи Муҳаммадӣи. Маърифа ва барраси-ӣи Сакинат ус-солиҳийн («Сакинат ус-солиҳийн» асарининг таништирилиши ва тадқиқи) // Фаслнома-и таҳсиси-ӣи субқшинаси-ӣи назм ва наср-и форси (Форс шеърӣи ва насри услубшунослиги махсус журнали). – Баҳробод, 1392 ш. (2013 м). – Т. 1. № 3. – Б. 228)

“Мажлиси Шўро” нусхаларида асарнинг Ҳамавийга тегишли эканлиги очиқ-ошкор кўриниб турибди. Бундан ташқари, асарнинг услуби ва мазмун-моҳиятига назар ташланганда, у Ҳамавийнинг бошқа асарлари билан тўлиқ мос келишини бемалол айтишимиз мумкин.

“Сакинатус-солиҳийн” Сора Кашфий томонидан таҳқиқ этилган ва 2015 йилда “Мажмаъу Захоирил-Исломи” номли илм-фан ва тарих муассасаси томонидан нашр қилинган¹¹.

Баҳрул-маоний (Маънолар уммони)

Тили арабча бўлган бу асар, Саъдиддин Ҳамавийнинг қирқ ёшга тўлганида ўзида намоён бўлган илоҳий ҳоллар ва у эришган маънавий мақомларнинг таъсирида қаламга олган муҳим асарларидан биридир. Номидан ҳам кўриниб турганидек, асар тасаввуфга оид кўплаб мавзуларни қамраб олади. Муаллиф кириш қисмида асарнинг ёзилиш тарихи ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган: “Қирқ кун давомида ҳикмат ва илм мавзулари устида тафаккур юритганимдан сўнг, бир-биридан қимматли бешта мавзуни қўлга олдим. Уларнинг биринчиси - шаръий масалалар, иккинчиси - тариқатнинг нозик жиҳатлари, учинчиси - ҳақиқатнинг дақиқ сирлари, тўртинчиси - ҳикматнинг латофатлари, бешинчиси эса ҳақиқатларнинг нозик жиҳатлари ва нозик жиҳатларнинг ҳақиқати контекстида диннинг сирли томонлари билан боғлиқ мавзулардир”¹².

Асар муқаддимасида муаллиф ўша пайтда ўзи ичида яшаган руҳий ҳолат ҳақида тасвирий кириш қисмини ёзган. Давомида илмнинг аҳамияти ва зарурлиги ҳақида алоҳида фасл келтирган. Бу фаслда Қуръон арқонини маҳкам тутиш ва шариат йўлидан айрилмаслик хусусида панд-насиҳатлар берган. Сўнгга ҳақиқатлар илми бўлмиш тасаввуфий билимнинг қадри ва Сарвари коинотдан (с.а.в.) омонат қолган бу илмни фақатгина лойиқ ва аҳил инсонларга етказиш зарурлиги устида тўхталган. Кейинчалик вилоят мавзусига кенг ўрин берган. Бу қисмда вилоятнинг турлари ва шартларини батафсил баён қилган. Илми ҳуруф ва бу илмнинг нозик қирралари, ушбу илмни билишнинг инсонга берадиган маънавий ютуқлари ҳақида узун тушунтиришлар берган. Охирида эса сўфийларнинг ҳолларидан баҳс этган. Бу бўлимда кўплаб тасаввуфий тушунчаларнинг таърифи ва аҳли зикрнинг ҳолатларидан бўлган суқр (маънавий мастлик) ва суқрнинг аломатларига ҳам жой берилган. Еттита сарлавҳа остида кўриб чиқилган бу аломатларни у, умуман олганда, ўз шахсий маънавий тажрибалари ва кечинмалари орқали тушунтириб берган.

“Баҳрул-маоний”нинг бизга маълум бўлган ягона нусхаси Сулаймония кутубхонасида 706 рақамли мажмуа таркибида сақланмоқда. 126 варақдан иборат мажмуанинг 1а-92б варақлари айнан “Баҳрул-маоний”га ажратилган. Жуда раво ва

¹¹Қаранг: (Ҳамавий, Садиддин. Сокينة الصالحين / به تحقيق و تصحيح ساره كشفى. - قم: مجمع ذخاير اسلامي، ۱۳۹۴ هـ.ش. (۲۰۱۵ م).
Саъдиддин. Сакинат ус-солиҳийн / Таҳқиқ ва тасҳиҳ: Сора Кашфий. – Қум: Мажмаъу захоирил-исломий, 1394 ш. (2015 м).)

¹²Қаранг: بحر المعاني [نسخه خطی]. - استانبول: كتابخانه سليمانيه، بخش فاضل احمد پاشا، شماره ۷۰۶. - برگ ۷۸ ب
[Қўлёзма]. – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси, Фозил Аҳмад Пошо фонди (Süleymaniye Kütüphanesi, Fazıl Ahmed Paşa), инв. № 706. – В. 78б.)

ўқишли муҳаққақ хати билан ёзилган бу нусха ҳижрий 733 (милодий 1329) йилда Халил бин Мусо бин Муҳаммад ал-Қатроний томонидан кўчирилган¹³.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Аббосий М. *Тасҳиҳ-и нусха-йи хатти-йи Маҳбубул-муҳиббийн ва матлубул-восилийн* (Қўлзма нуханинг илмий-танқидий матни таҳлили). Филол. фан. докт. (DSc) дисс. – Теҳрон: Теҳрон университети, 1391/2012. – 320 б. (عباسی، مهرزاد. تصحيح نسخه خطی محبوب المحبین). (و. مطلوب الواصلين. پايان نامه دکتري / دانشگاه تهران)
2. Баҳрул-маъоний [Қўлзма]. – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси, Фозил Аҳмад Пошо фонди, инв. № 706. – 180 в. (بحر المعانی [نسخه خطی]. – استانبول: کتابخانه سلیمانیه، بخش فاضل احمد)
3. Нурий М., Шамс М. *Китабшинаси-йи асар-и Саъдеддин Ҳаммуӣ* (Саъдиддин Ҳамавий асарлари библиографияси) // Маариф-и Исломи. – Теҳрон: Имом Содиқ (а.с.) университети нашриёти, 1384/2005. – № 61. – Б. 115–130. (نوری، محمد؛ شمس، مجید. کتابشناسی). (آثار سعدالدين حمويه // «معارف اسلامي»)
3. Ризойи Х., Занжироний Муҳаммадий М. *Маърифа ва барраси-йи Сакинат ус-солиҳийн* («Сакинат ус-солиҳийн» асарининг таништирилиши ва тадқиқи) // Фаслнома-и тахсиси-йи субкшинаси-йи назм ва наср-и форси. – Баҳробод, 1392/2013. – Т. 1. № 3. – Б. 225–240. (رضایی، حمید؛ زنجیرانی، محمد محمدی. معرفه و بررسی سکینه الصالحین // «سبک شناسی نظم و نثر» (فارسی).
4. Ҳамавий С. *Ал-Мисбоҳ фит-тасаввуф* (Тасаввуф чироғи) / Таҳқиқ ва тасҳиҳ: Нажиб Мойил Ҳиравий. – Теҳрон: Интишорот-и Мавло, 1362/1983. – 280 б. (حموي، سعدالدين. المصباح). (فی التصوف / به تصحيح و تحقيق نجيب مايل هروی)
5. Ҳамавий С. *Сакинат ус-солиҳийн* [Қўлзма]. – Теҳрон: Миллий Мажлис кутубхонаси, инв. № 10494. – 40 в. 7. (حموي، سعدالدين. سکینه الصالحين [نسخه خطی]. – تهران: کتابخانه مجلس شورای ملی)
6. Ҳамавий С. *Сакинат ус-солиҳийн* / Таҳқиқ ва тасҳиҳ: Сора Кашфий. – Қум: Мажмаъу заҳоирил-исломий, 1394/2015. – 160 б. (حموي، سعدالدين. سکینه الصالحين / به تحقيق و تصحيح ساره کشفی)
6. Arğun Ş. *Sa'deddîn Hammûyî'nin Hayatı, Eserleri ve Tasavvufî Görüşleri*. Doktora Tezi. – Erzurum: Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, 2023. – 285 s.
7. Gökbulut S. *Necmeddin-i Kubro: Hayati, Eserleri, Görüşleri*. – İstanbul: İnsan Yayınları, 2010. – 320 s.

¹³Arğun, Şaban. Sa'deddîn Hammûyî'nin Hayatı, Eserleri ve Tasavvufî Görüşleri. Doktora Tezi. – Erzurum: Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, 2023. – S. 72.